



СУД ЭКСПЕРТИНИНГ ИЧКИ ИШОНЧИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУЗИЛИШИ ҲУСУСИДА АЙРИМ ФИКРЛАР

Абдумутал Зақурлаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори, ю.ф.д.(DSc)

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-34>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2023

Accepted: 26th February 2023

Online: 27th February 2023

KEY WORDS

Шахс, процесс, суд
экспертлик фаолияти,
экспертлик тадқиқодлари,
билиш, эверестик фикр,
мантиқ, интуиция, ишонч,
хулоса ва режалаштириш.

ABSTRACT

Мақолада суд эксперти фаолиятининг асосий жихатлари, уни фикрлаш, эксперт тадқиқодига киришув, хулосанинг шаклланишида мантиқий ва психологик асослар, суд экспертнинг ишончи каби масалалар ёритилади.

Шахс ва унинг фаолиятини биргаликда ўрганиш психологиянинг асосий принципларидан бири ҳисобланади[1]. Шахс ҳар доим ўз фаолияти жараёнида шаклланади ва намоён бўлади[2]. Шу боис, муайян бир фаолиятнинг психологик тузилишини таҳлил қилиш – ушбу фаолиятни самарали амалга ошириш таъминлаш учун зарур бўлган психологик хислатларни аниқлашнинг зарурий қоидасидир. Охириги йилларда судьялар ва терговчилар фаолиятининг, психологик жихатларини, умуман юридик психологияни ўрганиш махсус билимларинг ўрганиш борган сари долзарб бўлиб бормоқд[3]. Аммо суд экспертиза фаолиятининг психологик жихатлари ҳозиргача тадқиқ қилинмаган. Чунки, суд экспертиза фаолиятининг шароит ва хусусияти айрим умумий жихатларга кўра терговчи, судья, прокурор ва адвокатнинг фаолиятдан жиддий фарқ қилади. Бу ҳолат суд экспертизасининг жиноий (фуқаролик, иқтисодий, маъмурий) процессидаги ўз ўрни билан боғлиқ. Суд экспертизасининг мақсади тергов қилиш ва одил судловни амалга ошириш эмас, тадқиқот объектига нисбатан экспертнинг махсус билимларини қўллаб, янги исботловчи далилий аҳамиятига эга бўлган ҳолатларни аниқлашдир[4].

Жуда кўплаб ҳуқуқий адабиётларда суд экспертиза фаолиятининг психологиясини ўрганишга эҳтиёж мавжудлиги кўрсатилган[5]. Суд экспертнинг эксперт томонидан амалга ошириладиган жисмоний ва психологик жараёнларнинг йиғиндиси сифатидаги касбий фаолиятида, *биринчидан*, ҳар қандай фаолиятга хос бўлган психологик хусусиятлар ва *иккинчидан*, экспертни фаолиятини, одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ иш сифатида тавсифловчи хусусиятлар намоён бўлади.

Суд экспертиза фаолиятининг умумий психологик хусусиятлари бўлиб – бу фаолиятнинг жамовий хусусияти, мақсадга йўналганлиги, режалилиги, тизимлилиги



ҳисобланади[6]. Бу каби хусусиятлар ҳар қандай касбий фаолиятга тегишли бўлса ҳам, суд экспертиза фаолиятига нисбатан қўлланилганда, улар ўзига хос аҳамият касб этади.

Суд экспертнинг ички ишончи ўз хусусиятига кўра – суд экспертнинг ўзининг махсус билимларига таянган ҳолда ўтказган тадқиқотлари натижаларига асосланиб чиқарган хулосалари тўғрилиги ҳақида руҳий ҳолатидир, у асл воқеликни, яъни суд эксперти олдида қўйилган саволларга тўғри ва аниқ жавобларни акс эттиради[4].

Ички ишонч муайян бир руҳий ҳолат сифатида ҳар қандай билиш фаолиятига йўлдош бўлади. Унинг ёрдамида, қандайдир содир этилган ҳаракат (қилмиш) ҳақида қарорлар қабул қилиш учун зарур махсус билимлар баҳоланади.

Суд экспертнинг ички ишончи далиллар ёки исботлов воситаларини баҳолаш методи сифатида, суд ёки бошқа ваколатли органлар томонидан далилларни эркин баҳолашни англатади, яъни ҳар қандай далиллар ёки исботлаш воситалари олдиндан кучга эга бўлмайди. Бу жиҳатдан ички ишонч формал далиллар ёки исботлов воситалари тизими ёрдамида ўрнатиладиган легал баҳолаш методига қарама-қарши маъно касб этади.

Фикримизча, суд эксперти ички ишончининг шаклланиши қуйидаги босқичлардан (таркибий қисмлар) иборат бўлади:

Биринчи босқич – экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) шакллантирилган вазифаларни таҳлил қилиб, аниқлаштириб олиш. Бу босқичда қўрилаётган иш материалларида мавжуд бўлган тадқиқот предмети ва экспертиза ўтказиш учун зарур бошқа дастлабки маълумотлар билан танишиш юз беради. Бунинг натижасида суд экспертида ўтказиладиган тадқиқотлар ва уларни амалга ошириш бўйича фикрий режанинг модели вужудга келади.

Иккинчи босқич – экспертиза тадқиқотлари. Бу босқичда суд эксперти экспертизанинг тадқиқот объектларини ўрганади, уларнинг эксперт олдида қўйилган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган хоссалари, хусусиятлари ва белгиларини аниқлайди. Бу босқич тадқиқот объектларини сезиш ёрдамида билиш, бу объектни сезги аъзолари орқали идрок қилиш, шунингдек бу турдаги экспертизалар учун ишлаб чиқилган услубларга мос ҳолда тадқиқотларнинг умумий, хусусий ва инструментал методларини қўллаш билан характерланади.

Суд эксперти ички ишончини шаклланишининг учинчи босқичи – ўтказилган тадқиқотлар натижаларини баҳолашдир. Бу каби баҳолаш натижасида, суд экспертида ҳали аниқланган маълумотларнинг тўғри ёки ҳақиқийлигига ишонч бўлмаслиги мумкин, бу ҳолда унинг фикрлаши (тусмоллари) учун янги тадқиқотлар ўтказилиши талаб этилади. Янги (қўшимча) тадқиқотлар натижаси эса, то суд экспертида ўз хулосаларининг тўғрилигига аниқ ишонч ҳосил бўлмагунча, юқоридаги мантиқий операциялар ёрдамида баҳоланиши зарур.

Ички ишонч шаклланишининг тўртинчи босқичи – суд эксперти томонидан якуний хулосаларни шакллантириш жараёнидир. Бу босқични алоҳида ажратилишининг сабаби, суд экспертнинг ҳал этилаётган масала бўйича фикрлари тадқиқотлар жараёнида ҳам, хулосанинг тегишли қисмларини баён қилишда ҳам пайдо бўлиши



билан боғлиқ. Шу сабабли, эксперт хулосасини тузиш жараёни тадқиқотлар ўтказиш жараёни билан биргаликда ўрганилиши керак.

Юқоридагилар асосида, суд эксперти ички ишончи шаклланишининг психологик тузилиши қуйидаги таркибий қисмлардан иборат деб айтиш мумкин:

- эксперт олдида қўйилган топшириқларни аниқлаштириш ва таҳлил қилиш;
- экспертиза объектларининг тадқиқотлари;
- эксперт хулосасида якуний хулосаларни шакллантириш.

Психологик жиҳатдан суд экспертнинг шаклланган ички ишончи бу – мураккаб тузилишга эга бўлган интеллектуал-ҳиссий ҳолатдан иборатдир. суд эксперти ички ишончининг тузилиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд, жумладан Ж.Годфруа[2], ички ишончни фалсафий-ижтимоий категория сифатида ўрганган ва «эксперт ички ишончи қуйидаги формула билан ифодалиниши мумкин деб таъкидлаган:

«Билган – Тушунилган – Ҳис қилинган – Ҳақиқат сифатида қабул қилинган».

Д. Ниренберг ва Г. Калеролар эса «билган» тушунчаси ўзига «тушунилган» тушунчасини қамраб олади ва шу сабабли эксперт ички ишончи қуйидаги формула билан ифодалиниши лозим деб ҳисоблайдилар:

«Билдим – Ҳис қилдим – Аҳамиятини аниқладим – Ҳақиқат сифатида қабул қилдим – Қарор қабул қилдим».

Бу формуладаги охириги таркибий қисм (компонент) уларнинг фикрича, фаолиятнинг кейинги босқичини ифодалайди ва ушбу қарорни қабул қилган шахснинг режалаштирган ҳаракатларини амалда бажаришини билдиради[7].

М.Г. Ярошевский эса суд эксперти ички ишончи тузилиши умуман бошқа тарзда талқин қилади, унинг фикрича ички ишонч формуласи қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

«Билимлар – Ирода – иродавий стимул»[8].

Юқоридаги формуладан келиб чиқадики, мураккаб интеллектуал-ҳиссий ҳолат ҳисобланган ички ишонч жуда ҳам мавҳум хусусиятга эгадир. Бундан ташқари, фикримизча, юқорида келтирилган формуладаги таркибий қисмлар шаклланган руҳий ҳолат сифатидаги ички ишонча эмас, балки ички ишончни шаклланиш масаласига тегишлидир.

Айтилганлар асосида суд экспертнинг, қўйилган вазифаларнинг тўғри бажарилганлигига руҳий ишонч ҳолати сифатидаги ички ишончи ўзига **гносеология**, мантиқий ва ҳиссий (эмоционал) компонентлардан ташкил топади деб таъкидлаш мумкин.

Суд эксперти ички ишончининг гносеологик компоненти – экспертиза объектлари ҳақидаги, ўтказилган тадқиқотлар ёрдамида олинган натижаларнинг ҳақиқийлигига ишонишдан иборат.

Суд эксперти ички ишончининг мантиқий компоненти – суд эксперти томонидан ўзининг махсус билимлари асосида қилинган фикрларнинг тўғрилигига ишонишдан иборат.

Суд эксперти ички ишончининг ҳиссий (эмоционал) компоненти – ўтказилган экспертизалар натижаларидан қониқиш (қониқмаслик) ҳисси ҳисобланади.



Шундай қилиб, суд эксперти ички ишончининг гносеологик, мантиқий ва ҳиссий компонентлари асосида – суд экспертнинг чиқарган якуний хулосалари ва фикрлари тўғрилигига ҳамда кўрилатган ҳолатда бундан бошқача хулоса мавжуд эмаслигига бўлган ишониши ётади.

Агар суд экспертида ўзининг якуний хулосаларининг тўғрилигига қандайдир шубҳалари бўлса, касб этикаси нуқтаи назаридан, у тегишли тадқиқотларни давом эттириши, мавжуд шубҳаларни бартараф этиш мақсадида, бу тадқиқотлар асосида чиқарган якуний хулосаларини қайта текшириши лозим. Шу сабабли, суд экспертларининг касбий тайёргарлиги ва тарбиялашнинг муҳим вазифаларидан бири бу – суд экспертларида ўз хулосаларига нисбатан принципиал танқидий муносабатни шакллантиришдан иборат. Бу каби хислатларни шакллантириш асосида эса суд экспертнинг ўз фаолиятини танқидий баҳолай олиши, ўзига ортиқча ишониб юбормаслик ётади.

Суд эксперти ички ишончининг ҳиссий компоненти ўтказилган экспертиза натижаларидан қониқиш (қониқмаслик) ҳосил қилишида намоён бўлади. Бу каби қониқиш ёки қониқмаслик даражаси ўтказилган экспертиза натижаларига боғлиқ равишда юқори ёки кам бўлиши мумкин, шунинг бу компонент суд экспертнинг темпераменти ва унинг ўз ишига муносабатига ҳам боғлиқ бўлади. Бироқ у ёки бу даражада суд экспертнинг ҳиссий ҳолати ўтказилган экспертиза натижаларига албатта боғлиқ бўлади.

Суд эксперти ички ишончи шаклланишидаги охириги компонент экспертиза хулосасини тузиш ҳисобланади ва унда экспертнинг ички ишончи моддий (материал) шаклда ифодаланади.

Суд эксперти олдида қўйилган вазифалар бажарилмаган ёки эҳтимол шаклда бажарилган ҳолларда, суд экспертнинг иродавий кучини намоён қилиш талаб этилади. Масалан, суд экспертига, унинг якуний хулосалари терговчи томонидан илгари сурилган тусмолларга қарама-қарши бўлган ҳолатларда экспертдан юқорида таъкидланган ҳиссий-иродавий ҳолат талаб этилади.

Шундай қилиб, айрим ҳолларда суд экспертдан, ўзининг якуний хулосаларини баён қилиш учун иродавий хислатларни намоён қилиши талаб этилади. Бу каби иродавий хислатларнинг мавжуд бўлиши суд экспертларини касбий лойиқлиги мезонининг мажбурий шарт ҳисобланади.

Суд экспертнинг ички ишончи тузилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, экспертиза хулосасида ички ишончининг гносеологик ва мантиқий компонентлари акс этирилади. Ички ишончининг ҳиссий-интеллектуал компонети ва суд экспертнинг иродавий хислатлари эса ишончининг ички жиҳатларини акс эттиради ва улар экспертиза хулосасида акс этирилмайди.

Шу билан бирга айнан экспертиза хулосаси (экспертни сўроқ қилиш баённомасидан ташқари) суд эксперти ички ишончини шаклланиш жараёни ва экспертнинг якуний хулосалари объектив ифодасини топадиган ягона процессуал ҳужжат ҳисобланади. Экспертиза хулосасида шакллантирилган якуний хулосалар эса экспертиза хулосасининг тадқиқот қисмидан келиб чиқади ҳамда суд экспертнинг шакланган ички ишончининг семантик ифодаси ҳисобланади.



Суд эксперти ички ишончининг психологик омилларининг ва уни шаклланиш жараёнининг таҳлиллари – бу жараённинг экспертиза хулосасида акс этиши суд экспертидан муайян касбий хислатларни талаб қилади ҳамда бу касбий хислатлар суд экспертида махсус билимлар мавжуд бўлиши билан чегараланиб қолмасдан, ўзининг касбий мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган психологик хусусиятлар бўлишини ҳам тақозо қилади.

References

1. Ярошевский М.Г. Психология в 20 столетии: теоретические проблемы развития психологической науки. – М., 2002.
2. Қаранг: Годфруа Ж. Что такое психология. – М. 1999.
3. Қаранг: Васильев В.Л.Юридическая психология. – С.Петербург, 2005.
4. Закурлаев А.К. Суд экспертиза фаолиятининг психологик асослари ўқув қўлланма 2017 Т.606.Lesson Press.
5. Қаранг: Крутецкий В.А. Психология. – М. 2004.
6. Қаранг: Костицкий М.В. Судебно-психологическая экспертиза. – Львов. 1996.
7. Қаранг: Ниренберг Д., Калеро Г. Как читать человека словно книгу. – М., 1996.
8. Қаранг: Ярошевский М.Г. Психология в 20 столетии: теоретические проблемы развития психологической науки. – М., 2002.